

# ***ТЎЙ МУБОРАК***

*ЁР-ЁР*

«Tafakkur qanoti»  
Тошкент-2019

УЎК: 821.1  
КБК 84(Ў5)  
Т-92

**Т-92** Тўй муборак ёр-ёр: фольклор / – Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2019. – 176 б.

Никоҳ тўйи – халқимизнинг энг қадимий ва муқаддас анъанавий маросими; совчиларнинг қутлуғ қадамидан бошланиб, чарлов билан тугагунига қадар оралиқда яна ўнлаб маросиму маросимчалар, удум ва русумлардан таркиб топган. Халқимиз асрлар давомида буларнинг барини юксак эътиқод ила адо этиб келаётир. Шу эътиқоди рангоранг маросимларнинг айтими тарзида шаклланган тўй қўшиқлари силсиласини юзага келтирган. Уларни ижро этмай тўй маросимлари ва русумлари адо этилмайди.

Рост, тўй маросимида дахлдор қанча-қанча қўшиқлар хотирадан ўчиб кетди. Бу тўпламга эса, тўпланган, шу билан бирга ҳамон халқ хотирасида яшаётган ўзбек никоҳ тўйларининг маросим ва русумларига оид қўшиқлар илк бор жамланиб тартиб берилди.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: филология фанлари доктори, профессор **Охунжон Сафаров.**

## ЎЗБЕК НИКОҲ ТҶЙЛАРИ ВА ФОЛЬКЛОРИ

Урф-одат ва маросимлар миллий тарбиянинг қудратли қуроли, халқни ягона бир маънавий жипсликка бирлаштириш омили ҳисобланади. Маросимлар орқали тарихий-этнографик йўналишда муайян бир миллатнинг маънавий дунёси намоён бўлади.

Тўй — халқнинг маънавий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ҳодиса саналадиган маросимлардан бири. Бу гўзал, қадимий маросим халқ санъатининг ҳамма турлари — бадий, мусиқий, хореография ҳамда драматик унсурларни ўзида уйғунлаштирган. Бундай уйғунлик — бадий яхлитлик халқ ҳаёти, унинг маиший ва ижтимоий томонлари, урф-одатлари билан бевосита боғлиқ.

Ўзбек тўйлари бешик тўйи, суннат тўйи ва никоҳ тўйдан ташкил топган бўлиб, вазифалари, ўтказилиш тарзи ва воситалари, иштирокчилар таркибига кўра бир-биридан фарқланади. Улар орасида никоҳ тўйи хилма-хил расм-русумлар ва фольклор материалларига бойлиги, халқ маиший ҳаётида етакчи ўрин тутиши билан алоҳида ажралиб туради.

Никоҳ тўйи ўзбек халқининг энг қадимий маросими. Унинг таркибида кишилиқ жамияти тараққиётининг дастлабки босқичлари қолдиқлари, жумладан, оналик ва оталик ҳукмронлиги (матриархат ва патриархат) даври ақидалари (масалан, магия, сўз қудратига ишониш, оловга сиғиниш кабилар)нинг сақланиб қолганлиги бунинг исботи.

Ёшлар ҳаётидаги энг бахтли, энг унутилмас маросим саналган, йигит ва қиз ҳаётини бир умрга боғлайдиган никоҳ тўйи ислом даврига келиб дин томонидан расмийлаштирилди. Бу тўйда бир қўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат бериш суннат сифатида белгиланди. Чунки жамиятнинг негизи ҳисобланувчи янги бир оиланинг ву-

жудга келишини тантанали нишонлаш ва эл-юрт тасдиғидан ўтказиш турмуш қураётган икки ёшга алоҳида масъулият юклаши табиий.

Тўй халқимизда муқаддас ҳодиса ҳисобланган. Бу муқаддаслик тўй фольклорида ҳам (жумладан, «Саломнома»ларнинг Қуръонга хос қироат билан ўқилиши, келин-куёвнинг улуғланиши), тўй маросимининг кечиш тарзида ҳам (жумладан, чимилдиқда келин-куёв қошига Қуръони карим, бошига нон қўйилиши) ўз ифодасини топган.

Ўзбек тўй маросими ва фольклорини тадқиқ ва таҳлил қилиш ҳам фольклоршунослик, ҳам этнографик нуқтаи назардан илмий аҳамиятга эга. Халқ маиший ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланган никоҳ тўйига оид илк самимий фикрлар халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари — эртак ва дostonларда ўз аксини топган. Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Бобурнинг «Мухтасар» асарларида ҳам никоҳ тўйи ва унинг фольклорга оид баъзи қайдлар мавжуд. Шунингдек, айрим саёҳатчилар, босқинчилик юришлари иштирокчиларининг хотиралари ёки асарларида Марказий Осиё аҳолисининг XIX асргача бўлган никоҳ-оила муносабатлари хусусида қисман маълумотлар учрайди.

Марказий Осиё халқлари ҳаётини этнографик нуқтаи назардан илмий ўрганишни ўтган асрнинг иккинчи ярмида рус миссионерлари бошлаб бердилар. Шунга қарамай, асримизнинг йигирманчи йилларигача оила ва никоҳ масалаларини ўрганиш узуқ-юлуқ характерда эди: машхур мажор сайёҳи ва олими Ҳ. Вамбери, Туркистон ўлкаси ва маиший ҳаётининг билимдонларидан Н. А. Маев, А. Д. Гребенкин, А. П. Хорошхин, М. Ф. Гавриловларнинг тадқиқотларида<sup>1</sup> бу масалага

<sup>1</sup> Қаранг: Маев Н. А. Очерки горных бекств Бухарского ханства. — МСТН, 1879; Гребенкин А. Д. Таджики — СРТ, вып. 11, 1872; Его же. Узбеки. — СРТ, вып. 11, 1872; Хорошхин А. П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. — СПб, 1876; Гаврилов М. Ф. Материалы к этнографии «турок» Ура-Тюбинского района. — ТСАТУ, серия 11, вып. 2. — Ташкент, 1929.

оид айрим фикр ва изоҳлар мавжуд, холос. В. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг Фарғона водийси ўзбекларининг маиший ҳаётига бағишланган тадқиқоти<sup>2</sup> бу борадаги қимматли манбалардан ҳисобланади.

Асримиз ўрталаридан эътиборан ўзбек халқи оилавий никоҳ муносабатлари изчил ва чуқур ўрганила бошлади. Лекин Л. П. Потапов, Г. П. Снесарев, М. В. Сазанова, К. Л. Задикина, М. А. Бекжонова, К. Шониёзов, О. А. Сухарева, Н. А. Кисляков, Н. П. Лобачева, Б. Х. Кармишева ва бошқа этнограф олимларнинг бу соҳадаги ишлари<sup>3</sup> соф этнографик характерга эга бўлиб, маросим фольклорини ўрганишни ўз олдига қўймаган.

Ўзбек никоҳ тўйларини этник жиҳатдан ўрганиш борасида салмоқли тадқиқот бўлган «Ўзбекларда янгича маросимларнинг шаклланиши» монографиясида Н. П. Лобачева никоҳ тўйларини иккига – анъанавий ва янги тўйларга бўлиб ўрганади. Олима Тошкент, Самарқанд,

---

<sup>2</sup> Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. — Казань, 1886.

<sup>3</sup> Қаранг: Потапов Л. П. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков «кунград». — «Научная мысль», 1930, № 1; Снесарев Г. П. О некоторых причинах сохранение религиозно-бытовых пережитков у узбеков Хорезма. — СЭ, 1951, № 2; Его же. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма — Москва, 1969; Его же. Под небом Хорезма. — Москва, 1973; Сазанова В. М. К этнографии узбеков южного Хорезма. ГХЭ, т. 4. — Москва, 1952; Задыкина К. Л. Узбеки дельты Амударьи. ГХАЭЭ, т. 1. — Москва, 1952; Бекжанова М. А. Семья у колхозах Узбекистана. — Ташкент, 1959; Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Историко-этнографический очерк. — Ташкент, 1964; Кислякова Н. А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. — Ленинград, 1969; Сухарева О. А. Бухара. XIX нач. XX в. — Москва, 1966; Лобачева Н. П. Формирование новой обрядности узбеков. — Москва, 1975; Её же. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана. В кн.: Домусульманские верование и обряды в Средней Азии. — Москва, 1975; Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. — Москва, 1976; Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари, — Тошкент, 1992; Мардонова Г. НУР тўла уй, — Тошкент, 1992.

Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Хоразм вилоятларига уюштирилган этнографик экспедиция материаллари, шунингдек, инқилобга қадар ва шўро даврида яратилган илмий-этнографик материалларга асосланиб, ўзбек анъанавий никоҳ тўйларининг XX аср бошидаги кўринишини тиклашга ҳаракат қилади. Лекин тадқиқот муаллифи ўзбек тўй маросимини тарихий-маданий ва тарихий-ижтимоий йўналишларда ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди (зеро, бу масала алоҳида тадқиқотнинг мавзуи), балки тўйнинг кечиш тарзи, расм-русумлари ва, умуман, бу маросимга хос асосий хусусиятларни кўрсатиб ўтиш билан кифояланади.

Никоҳ тўйи маросимини унинг фольклори билан узвий алоқадорликда ўрганиш соҳасидаги дастлабки дадил қадам сифатида Музайяна Алавиянинг «Ўзбек халқ кўшиқлари» монографияси юзага келди<sup>4</sup>. Халқ кўшиқлари, уларнинг тарихий илдизлари, асосий хусусиятлари, турлари, халқ маънавий ҳаётида тутган ўрнини ўрганишга бағишланган мазкур китобда ўлан, лапар, ёр-ёр, байт-ғазал, хуш келибсиз, тўй муборак каби тўй маросим кўшиқлари ҳам таҳлил қилинади. Лекин тўй маросими фольклорининг яна қатор намуналари мавжудки, улар олима эътиборидан четда қолган.

Ўзбек халқ маросим фольклорини ўрганишда таниқли фольклоршунос олим Баҳодир Саримсоқовнинг хизматлари катта.

Унинг «Ўзбек маросим фольклори» монографиясида маросим фольклори тушунчаси, ўзбек маросим фольклори жанрлари таркиби ва таснифи, ўзбек мавсум ва сўз сеҳрига асосланган маросим фольклори жанрлари таҳлили илмий асосда кенг ёритилган<sup>5</sup>. Олимнинг кейинги тадқиқотларида эса, бешик ва суннат тўйи билан бир қаторда, никоҳ тўйи ва унда ижро этиладиган фольклор жанрлари ҳам изчиллик билан таҳлил қилинади, тўй

<sup>4</sup> Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари — Тошкент, 1974.

<sup>5</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. — Тошкент, 1986.

олқишлари ва куёв саломлар ҳақидаги илк маълумотлар қайд этилади<sup>6</sup>. Шунга қарамай, Б. Саримсоқовнинг ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорига оид таснифотини ҳам ҳали тўла ва мукамал дейиш қийин.

Турли жойларда хилма-хил кўринишларда намоён бўлса-да, ўзбек никоҳ тўйи композицион бир бутунлик сифатида мавжуд ва уни худди шу яхлитлигича ўрганиш лозим. Барча узвлари билан яхлит олганда, бу маросим анча узоққа чўзиладиган муддатни ўз ичига олади. Шунга асосан у уч босқичга бўлиб ўрганилади<sup>7</sup>.

*Биринчи босқич* тўй тайёргарлиги ёки тўй арафаси деб номланади. У никоҳ кунигача амалга ошириладиган бешикқудо (бешиккертги, тожик аҳолиси орасида – гаҳворабаш)<sup>8</sup>, қиз танлаш, совчилик, нон синдириш, рўмолча улашиш, фотиҳа тўйи, қалин олиш, маслаҳат оши сингари узвларни ўз ичига олади. Бу босқич вақт жиҳатидан анчага чўзилиши мумкин. Масалан, ўтмишда қиз фотиҳа қилиб қўйилганидан кейин баъзида ҳатто бир-икки йилгача ота-онасиникида яшаб юраверган. Бундаги аксар маросимлар вербаль узвга эга эмаслиги сабабли уларни ўрганиш асосан этнографик доирада чекланиб қолади.

<sup>6</sup> Саримсоқов Б. Маросим фольклори. Қуйидаги китобда: Ўзбек фольклори очерклари. Уч жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1988, 194-бет.

<sup>7</sup> Никоҳ тўйини уч босқичга бўлиб ўрганиш тожик ва рус фольклоршунослигида ҳам мавжуд: арафай тўй (досвадебный период), тўй калон (день бракосочетания) ва хотимаи тўй (после-свадебные обряды). Бу ҳақда қаранг: Зеҳниева Ф. Сурудҳои маросими тўй тожикон. — Душанбе, 1978; Маслова Г. Народная одежда в посточно-славянских традиционных обрядах и обычаях XIX – начало XX в. – Москва, 1984.

<sup>8</sup> Б. Саримсоқов ўз таснифотида бешикқудони эътибордан соқит қилиб, бу босқич танланган қизга совчи юборишдан бошланади, деб ёзади. Ҳозирда бу расм асосан сўнганига қарамай, уни ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас. Чунки бу одатдан кейин икки оила ўртасида қуда-андачилик муносабатлари юзага келади: байрам ва ҳайитларда бўлажак куёв томони бўлажак келинни – қуда томонни йўқлаб туради.

*Иккинчи босқич* катта тўй деб номланиб, келинни никоҳлаш ва олиб келиш билан боғлиқ либос кийдириш (ёки сарпо кийдириш), куёв элтиш, куёв билан келинни чимилдиққа киритиш, келин ўтирсин, куёв ўтирсин, келинни куёвнинг уйига кузатиб бориш, тор уриш (ёки келин сепини ёйиш), баланд жой (ёки бахт жойи) солиш сингари қатор маросимларни ўз ичига олади. Катта тўй босқичига хос характерли ҳолат айрим маросимларнинг икки мартадан, яъни, ҳам келин, ҳам куёвнинг уйида такрорланишидир. Бу босқич никоҳ тўйи силсиласида асосий ўрин тутишига қарамай, унга дахлдор барча урф-одатлар жуда қисқа муддат — икки-уч кун ичида бажарилади. Катта тўй расм-русумларининг ўзига хослиги жиҳатидан ҳам этнографик хусусият, ҳам вербаль узвга эга бўлиб, бу икки жараён ўзаро уйғун ҳолда яхлитлик касб этади ва ўзига хос ижроси билан тўйга тантанаворлик бағишлайди.

*Учинчи босқич* тўй хотимаси аталиб, тўшак йиғди (ёки жой йиғди), тор узди (ёки келиннинг сепини йиғиш), чимилдиқ узди, чаллар (чорлар, чарлов, талбон), куёв салом сингари маросимларни ўз ичига олади. Унда асосан келин-куёвнинг яқин қариндошлари иштирок этади.

Б. Саримсоқов ўзбек никоҳ тўйлари куёв салом маросими билан якунланишини айтиб, ушбу маросим ҳақида «тўйдан ўн-ўн беш кун ўтгач, куёв билан келин қайнотасининг уйига салом бергани боради», деб ёзди<sup>9</sup>. Ваҳоланки, ўтмишда шаклланган анъанага кўра бу маросим одатда никоҳ тўйидан уч кун кейин ўтказилиб, унга фақат куёв борган. Келин-куёв чилладан чиққач эса (тўйдан қирқ кун ўтгач), келиннинг ота-онаси ўз қизини чорлаган. Бу маросим «чарланди» («келин чорлар», «чарлов», «талбон») деб юритилади. Ана шу маросим ўзбек никоҳ тўйларининг якунловчи қисми ҳисобланади. «Чарлар» — тўй маросимининг сўнгги узви эканлигини Н. П. Лобачева ҳам қайд этиб ўтади<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Қаранг: Ўзбек фольклори очерклари 1-жилд, 206—207-бетлар.

<sup>10</sup> Лобачева Н. П. Формирование новой обрядности ўзбеков. 38-бет.



Ўзбек никоҳ тўйларининг яхлит бир тизим сифатида шаклланганлигини очиб бериш учун унинг вербаль қисмини ташкил этувчи фольклор намуналарини этнографик аъъаналарга узвий алоқадорликда ўрганиш лозим. Бунинг учун даставвал никоҳ тўйининг барча узвларига хос аъъанавий қўшиқларни ёзиб олиш керак. Бу соҳадаги айрим ҳаракатлар инқилобдан илгари бошланганлиги, чунончи, Холис 1913 йилда Тошкентда «Ёр-ёри Биби Фотимаи Заҳро» тўпламини нашр қилдиргани маълум. Бироқ узоқ йиллар давом этган диний қатағон бу китобга ҳам «дин ва унинг ақидаларини меҳнаткаш халқ орасига ёйиш учун дин аҳллари томонидан халқ оғзаки бадий ижоди намуналаридан, рангдор услубидан фойдаланиб яратилган ўта реакцион асар»<sup>11</sup>, деган тамға босиб, у кенг китобхонлар эътиборидан яшириб келинди.

Асримизнинг қирқинчи йилларидан бошлаб ўзбек никоҳ маросими қўшиқларини тўплаш ва нашр қилиш соҳасида айрим ишлар амалга оширилди. Никоҳ тўйининг келин салом, ёр-ёр, лапар, ўлан сингари жанрлари намуналари бир қадар тўпланди, уларнинг ижро тарзи, бадий табиати хусусида илмий мулоҳазалар юритила бошлади<sup>12</sup>, бу қўшиқлар матнларининг маълум қисми турли манбаларда эълон қилинди<sup>13</sup>. Лекин ҳанузгача ўз-

<sup>11</sup> Кўчирма куйидаги китобдан олинди: Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. 16-бет.

<sup>12</sup> Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори; Ўзбек фольклори очерклари; Сафаров О. «Келин ўтирсин» ва «куёв ўтирсин» маросим қўшиқлари. — «Ўзбек тили ва адабиёти», 1989 йил, 5-сон, 35—39-бетлар; Шу муаллиф. «Куёв элтиш», «Келин элтиш» удумлари ва жарлар. — «Ўзбек тили ва адабиёти», 1991 йил, 6-сон, 35—39-бетлар.

<sup>13</sup> Қаранг: Қўшиқлар ва ашулалар. — Тошкент, 1940; Ўзбек фольклори. Мажмуа. 2-китоб (тузувчи Ҳ. Зариф). — Тошкент, 1941; Содиков М. Ўзбек қўшиқлари. — Тошкент, 1941; Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. — Тошкент, 1954; Сўнмас қуёш. — Тошкент, 1962; Хоразм халқ қўшиқлари (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Ж. Қобулниёзов). — Тошкент, 1966; Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Ҳ. Раззоқов). —

бек никоҳ тўйи маросими фольклорининг бутун жанрий хилма-хиллигини ўз ичига олган алоҳида тўплам нашр этилганича йўқ. Ҳолбуки, ўзбек никоҳ тўйи маросим фольклори шу қадар бой ва ранг-барангки, уларнинг ҳар бири у ёки бу маросимга узвий алоқадорликда муайян вазифа адо этишдан ташқари, ўзгача ижро ўрни ва усулларига эгаллиги билан завқлидир. Уларнинг ҳар бири водий ва воҳадаги ижро усулларига кўра ҳам ўзига хосдир. Бу хусусиятларни яхлит ҳолда ўрганиш, ўзбек никоҳ тўйи маросим фольклори намуналарини бутун ранг-баранглиги билан тўла йиғиш, ижро жараёни ва усули, бадииятини ўрганиш, жанрий табиатини очиш ва таснифотини ишлаб чиқиш ўзбек фольклоршунослиги олдида турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шундагина ўзбек никоҳ тўйи маросимини тўлалигича тасаввур этиш имконияти туғилади. Ўзбек никоҳ тўйи маросим фольклорининг етарлича тўпланмагани ва нашр қилинмагани бу вазифани бажаришга монелик қилиб турибди. Мисол учун, келин сочини майда ўрганда, унга янги кийим кийгизганда, қўл ва оёғига хино боғлаганда, келин-куёвга бахт тўшаги солинганда, исириқ тутатганда ва тўйнинг бошқа жараёнларида ижро этиладиган назмий ва насрий айтимлар; келин, куёв ва қудалар ташрифи муносабати билан айтиладиган «Хуш келибсиз» қўшиқлари, олқишлар; қизнинг туғилган уйидан кетар чоғида ота-онаси билан айтадиган ризолашув, куёвни кузатиб бориш маросимида куйланадиган жарлар ва «Анталҳодий», «Куёвтўра таърифи», «Келин таърифи», «Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» қўшиқлари; келин ва куёвни гўшанга — чимилдиққа олиб кириш пайтида айтиладиган «Саломнома»лар, «Муборакбод» қўшиқла-

---

Тошкент, 1967; Мадҳия. — Тошкент, 1967; Оқ олма, қизил олма (Тўпловчи М. Алавия). — Тошкент, 1972; Келиной қўшиқлари (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи О. Собиров). — Тошкент, 1981; Совет даври халқ қўшиқлари (Нашрга тайёрловчилар М. Алавия, С. Рўзимбоев). — Тошкент, 1983.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4489> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4489> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4489>